

---

## Қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқиг (https://lex.uz/docs/6502543#6507201)а эга

???? Қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқиг (https://lex.uz/docs/6502543#6507201)а эга

1□ кам таъминланган шахслар, агар улар:

□фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар; □маъмурий ишлар бўйича аризачилар; □маъмурий қамоқ тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар; □жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек маҳкумлар бўлса;

2□ руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда; 3□ ўз ҳуқуқлари бузилган, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

4□ Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

2024-05-29 09:41:22